



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 5 июль, № 131 (6825) • Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИЖРО ИНТИЗОМИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ — ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни Тошкент шаҳрида йиғилиш ўтказилди.**

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ҳамда Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгаришлар, инвестициялар, банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарлари билан бирга, ушбу комплекслар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, иккинчи ярим йилликдаги долзарб вазирликлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва ҳар томонлама, атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мазкур комплекслар таркибига кирувчи соҳалар бўйича муайян натижа ва марраларга эришилган бўлса-да, хотиржамликка берилмасдан, ҳали ечимини кутаётган масалаларни таҳлил қилиш, мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш чораларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил биринчи ярим йилликда янгидан ёки қайта ташкил этилган

вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали йўлга қўйиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат инвестициялар қўмитаси, Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармаси раҳбарлари томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйилганини қайд этди. Ушбу вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдига қисқа муддатда мавжуд бўш ўринларга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган асосий вазифа ҳамда функцияларни тўлиқ ва сифатли бажаришни таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни қўриш юклатилди.

Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибидagi айрим идоралар, жумладан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Ўзқурилиш материаллари”, “Ўзмонтажмахсусқурилиш”, “Ўзшаҳарқурилиш инвест” компаниялари, Республика йўл жамғармаси, “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Ипотека-банк” томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил ўтган даврида мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб амалга оширилган таширлари ва урчушларда берилган топшириқлар иж-

росини таъминлашда йўл қўйилган ҳар бир камчилик ва нуқсон танқидий таҳлил қилиниб, ушбу идоралар раҳбарлари жиддий оғохлантирилди. Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги раҳбари эгаллаб турган лавозимига нолайиқ экани қайд этилиб, ушбу тизимни тубдан қайта қўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси иш фаолияти ҳам қонқарсиз. Иқтисодиёт комплексининг собиқ раҳбарлари иқтисодий мажмуа ишини мувофиқлаштира олмаган, вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги идоралар ишини ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Йиғилиш иштирокчиларининг диққат-эътибори давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви органлари фаолиятида ижро интизомига оғишмай риюя қилиш, белгиланган вазифа ва функциялар, топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, ҳар қайси соҳада қатъий тартиб-интизомни таъминлаш зарурлигига қаратилди. Бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйган “Ўзбек-озикқоватхолдинг” компанияси раиси О. Рустамов, “Ўзагро-экспорт” жамияти раҳбари Ж. Холмухамедов ва “Ўзбек-чармпойбазали” уюшмаси раиси М. Мансуров ўтган ҳафтада лавозимидан озод этилгани эслатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар ва ҳўжа-лик бирлашмалар раҳбарлари бундан тегушли хулоса чиқариб олиши кераклиги алоҳида уқтирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг бугуни ва эртаси қандай бўлиши кўп жиҳатдан Иқтисодий ривожлантириш комплекси вазирликларининг иши сифати ва натижаларига боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда охириги йилларда кичик бизнесни рағбатлантириш юзасидан қўллаб қоролар қабул қилинганга қарамай, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тўсиқлар ҳали ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан, Комплекс раҳбари — Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўқоровга Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик соҳасидаги барча муаммоларни батафсил таҳлил қилиб, илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига кескин туртки берадиган тақлифларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда жойларда бўш турган давлат объектлари ёки илгари хусусийлаштирилган, лекин бугунги кунда фойдаланилмаётган бино-иншоотлар бўйича барча таъсир механизмлари ишлаб чиқилган, зарур ҳуқуқий база яратиб берилган бўлса-да, бу борада ҳали сезиларли натижалар таъминланмагани афсус билан қайд этилди.

Банк-молия тизимини расми-

Ў.А.

### ЭЪТИРОФ



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги делегациянинг Польша сафари доирасида мамлакатимизнинг Варшавадаги элчихонасида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳаёта татбиқ этилиши жараёнларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

## Ўзбекистон ривожланишининг Ҳаракатлар стратегияси Польшада муҳокама этилди

Тадбирда Польшанинг вазирлик ва идоралари, академик, жамоатчилик, ишбилармон доиралари ҳамда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси вакиллари қатнашди.

Улар Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, юртимизда сиёсий, суд-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда амалга оширилаётган ва ҳаётга жорий қилиниши мўлжалланган ислохотларнинг энг муҳим жиҳатлари билан, яқиндан танишди. Инсон ҳуқуқлари, унинг эркинлик ҳамда қонуний манфаатлари мазкур ўзгаришларнинг асосини ташкил эти-

шига алоҳида эътибор қаратилди. Брифингга таъкидланганидек, қонун устуворлигига асосланган ҳолда, очик, барқарор сиёсий тизимнинг мустақамланаётгани боис мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар қўришга эришилмоқда. Шунингдек, тадбирда турли соҳалардаги Ўзбекистон — Польша ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

(Давоми 2-бетда).

### 2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жамиятни демократлаштириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Хусусан, давлат бошқаруви ҳамда жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари томонидан жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар аҳоли билан бевоасита мулоқотнинг самарали механизми сифатида эътироф қозонмоқда.

## Муаммолар жойида ечим топмоқда

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худайбергандовнинг Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқларида ўтказган сайёр қабуллари чоғида вилоят аҳолиси томонидан давлатимиз раҳбарининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган муносабатларда кўтарилган масалалар чўқур ўрганилди. Ана шундай сайёр қабуллардан бири вилоят марказида бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида 27 нафар уй-жойга эҳтиёжи бор,

меҳнат лаёқати қетланган фуқаро қабул қилиниб, уларга арзон нархларда қурилаётган кўп қаватли тураржойлардан 2 хонали уй бериладиган бўлди. Эътиборлиси шундаки, ушбу эҳтиёжманд аёлларга янги уй сотиб олишлари учун бирламчи бадал давлат бюджети ҳисобидан қўпланди. Қабул чоғида бир кун муддат ичида ушбу фуқароларга 10 миллион сўмлик маблаг пластик картчаларига туширилиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

## Маъмурий судлар фаолият бошлади

Республикаимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасини шу йилнинг 1 июнидан фаолиятини бошлаган маъмурий судлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

### ҚОНУН ВА ИЖРО

Хўш, ушбу суднинг асосий вазифаси нима-лардан иборат? Шу савол билан Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси ўринбосари Мумин АСТАНОВГА муносабат қилдик.

— Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг туб замири-

да, энг аввало, ҳалқимизнинг асосий оғриқ-ниятларини рўёбга чиқариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳақда қонуний манфаатларини нишончи ҳимоя қилиш мақсади муҳасамдир, — дейди М. Астанов.

(Давоми 3-бетда).

## ХАЛҚАРО СИФАТ СТАНДАРТИГА МУНОСИБ



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига қилган ташрифи давомида вилоятдаги бир қатор корхоналарда ҳам бўлиб, ҳудуднинг саноат салоҳиятини юксалтириш юзасидан тавсиялар берган эди.

Бу эса айни пайтда янги-янги истиқболли лойиҳалар рўёбига йўл очмоқда.

Зеро, имконият ва эътибор бор жойда тараққиёт бўлади. Шу

маънода, бугунги кунда вилоятда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, иқтисодий ислохотлар замирида ана шундай омиллар мужассам. Бинобарин, бу саноат субъектларининг имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиляпти. Жумладан, изчил олиб борилаётган маҳаллийлаштириш жараёни ишлаб чиқариш тармоқларига иқтисодий жи-

ҳатдан катта фойда келтирмоқда. Фарғона вилоятининг Қува-сой шаҳридаги “Кварц” акциядорлик жамияти фаолияти фикримиз тасдиғидир.

Ҳозирги кунда мазкур корхонада тайёрланаётган силлиқланган қурилиш ва тобланган ойналар, шиша идишларга бўлган талаб тобора ортиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

## Ёшларга оид давлат сиёсатида замонавий ёндашув

Хабарингиз бор, 30 июнь куни халқимиз яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди. Шу кунги пойтахтимиздаги Симпозиумлар

### ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА

ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилди. Расмийчиликдан холи, тамомла очик ва самимий руҳда ташкил этилган анжуманда Президентимиз ёшлар билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Ўз навбатида, янги тузилган ташкилотнинг ҳар томонлама самарали фаолият юритиши, ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчсариюда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг навбатдаги қурултойи учун унинг олдига улкан вазифалар қўйди.

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги мажлиси “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: долзарб масалаларга замонавий ёндашув” мавзусига бағишланди.

(Давоми 3-бетда).

**ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ РАҚАМЛАРДА**

Худудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб

**25** МИНГА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАСИНИ РЎБҒГА ЧИҚАРИШ ҲИСОБИГА

**256,4** МИНГ ИШ ҲАМ

ТАШКИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРЛАРИНИ ТЎЛИҚ ИЖРО ЭТИШ НАЗАРДА ТУТИЛГАН.

НАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ 2017-2021





# ЁРҚИН ТААССУРОТЛАР ФАСЛИ

Йилнинг уч фасли зийнати бир вақтга жамлаган сўлим гўшалар Навоий вилоятида жуда кўп. Бетакрор Сармиш, Фозилмон тоғларига туташ Сентоб, Оқтоғ этакларидаги Олтинсой, Зарафшон бўйидаги адирликлар шулардан бўлиб, ушбу манзилларда кечган ҳар бир дақиқа кишига олам-олам ҳузур бағишлайди. Айниқса, бундай гўшаларда болалар учун оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилиши уларнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

## ГАМХЎРЛИК

Жорий йил ёзи таътил даврида ҳам ушбу худудларда ўн иккита ёзи болалар соғломлаштириш оромгоҳи ташкил қилинди. Мавсум давомида улар салкам 16287 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олади.

— Айни пайтда юртимизнинг барча худудидagi оромгоҳларда болалар мириқиб дам олиб, ёзи таътил завқини мароқ билан ҳис этишяпти, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Назира Тогаева. — Вилоятимизда жорий йил 37 та оромгоҳ (25 таси кундузги) фаолияти йўлга қўйилди. Ўғил-қизларимизнинг мароқли хордиқ чиқариши ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароит яратилди. 580 нафар педагог, 56 нафар тиббиёт ходими, 56 нафар спорт ва сузич бўйича йуриқчи, 72 нафар кутубхоначи, 36 нафар мусика раҳбари ҳамда 444 нафар техник ходим мавсумни уюшқоқлик билан ташкил

қилиш учун жалб этилди. Шунингдек, вилоят ўрта махсус таълим бошқармаси ва шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари ҳамкорлигида коллеж ўқувчиларини ишлаб чиқариш амалиётига қабул қиладиган ўн та корхона ва ташкилотда меҳнат ҳамда дам олиш оромгоҳлари ташкил этилди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Кармана тумани худудидagi "Ишонч" соғломлаштириш мажмуаси бир мавсумда 400 нафар болаларни ўз бағрига олиш имкониятига эга. Айни дамда бу ерда мактаб ўқувчилари таътилни мароқли ўтказишяпти.

— Оромгоҳимиз ўтган йили тўлиқ таъмирланиб, юз ўринли ётоқхона ва ошона янгидан қурилди, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Норимхон Нурманова. — Қолаверса, таъмирлаш жараёнида

барча жиҳоз янгиланди. Бундан ташқари, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида маънавият хонаси ҳамда кутубхона ҳамда талаблари асосида қайта жиҳозланди. Оромгоҳларда кўнма кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилиб, ўқувчилар ўртасида бир қатор кўрик-танлов ва викториналар ўтказилмоқда.

Айтиш жоизки, оромгоҳда болаларнинг мазмунли дам олиши баробарида, иқтидор имкониятларини намоён этишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли мусобақалар уюштирилиб, муваффақиятга эришяётган йигит-қизлар муносиб рағбатлантириляпти.

— Бу йилги ёзи таътил мавсумида ҳар бир боланинг келажакда етук мутахассис бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз, — дейди оромгоҳ етакчиларидан бири, Навоий давлат педагогика институти талабаси Шаҳбоз Сайидхонов. — Масалан, "Вақт қадрига эга!", "Имкониятдан тўғри фойдалани!", "Тайм-менеджмент" каби мавзулардаги семинар-тренинглр дам олувчиларга завқу шавқ улашяпти.

Вилоятнинг Сармиш дараси этакларидаги "Шабоба" оромгоҳида, асосан, "Кизилқумецмент" акциядорлик жамияти жамоаси аъзоларининг фарзандлари хордиқ чиқармоқда. Ушбу масканда жорий мав-

сум давомида 1200 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг 100 нафарини Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ташкил этади.

Сўз "Ҳеч ким меҳр эйтибордан четда қолмайди!" тамойили хусусида кетаркан, ёзи таътил давомида вилоятдаги оромгоҳларда эҳтиёжманд оилаларнинг 500 нафарга яқин фарзандлари дам олишига ҳам имконият яратиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар Навоий кон-металлургия комбинатининг "Зарафшон", "Электримёзаводи" АЖнинг "Камалак", Қизилтепа туманидаги "Нимкон" ва "Дўстлик", Кармана туманидаги "Ишонч" оромгоҳларида таътилни мазмунли ўтказмоқдалар.

Ёзининг жазирама кунларида сув ҳавзаларининг қадри бўлака. Шу боис барча оромгоҳда бассейнлар янгидан жиҳозланиб, турли мусобақа ва оромгоҳларро турнирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, спортнинг интеллектуал турларини танлаганлар учун интернет орқали бошқа дам олиш масканларидаги болалар билан шахмат-шашка каби қатор ўйинлар виртуал кўринишда йўлга қўйилди. Энг муҳими, оромгоҳлардаги барча қулайлик болалар истаги асосида яратилгани эътиборга молик.

Темур ЭШБОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## XALQ BANKI

Азиз юртдошлар!

### «Шарқона Лотто» лотереяси «36 дан 6» ўйини иштирокчилари учун Халқ банкидан навбатдаги ажойиб янгилик!

Уйин шартларига кўра, лотереянинг 20-тиражи махсус тираж сифатида ўтказилади. Ушбу тиражда одатдагидек 6 та эмас, балки 7 (еттинчи) шар ҳам бонус тариқасида ўйналади.

Демак, ўйин иштирокчиларининг лотереяда ютиш имкониятлари янада ошади.

Лотереянинг 20-ютуқлар тиражида ютуқ фондининг асосий категориялардаги маблағлари билан бирга, 7-бонус шари орқали 6 та рақам аниқланган ўйин комбинациялари учун ютуқ фондининг махсус категориясида қўшимча 10,0 млн. сўм ўйналади.

Мазкур тираж жорий йилнинг 12 июль кунини соат 19.30 да Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» телеканали орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилади.

Уйин иштирокчилари Халқ банкнинг барча филиали ва «UZPAYNET» шохобчаларида ўйин билетларини рўйхатдан ўтказишлари мумкин.

Халқ бонус лотереяси, лотереяда иштирок этинг ва бахтли голибимизга айланинг.

Халқ банки лотереялари — орзуларингиз рўёби!

18 ёшга тўлмаган шахсларнинг лотереяда қатнашиши ман қилинган.

Хизматлар лицензияланган

## «SURXONDARYO MULK MARKAZI» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси» АЖ тасарруфидаги, Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 84-уйда сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг тусли (серебристий металл), давлат рақами 01/470 МЕА бўлган, техник ҳолати қоникарли, ГБА СПГ «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 30 276 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 9 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоси 2017 йил 30 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2017 йил 9 августдаги аукцион савдоси учун — 7 август ва 30 августдаги аукцион савдоси учун — 28 август кунини соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби деб топилган шахсга 10 банк кунини мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларини амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилган вақтда сотувчи томонидан белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатал келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖнинг «Трастбанк» ХАБ Термиз филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси 19-уй. Тел.: (0-376) 223-15-82.

Гувоҳнома № 972.

## Табий газдан фойдаланувчи аҳоли истеъмолчилари диққатига!

### «ЎТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

шуни маълум қиладикки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 29 июндаги 19-03-22-06-ЎЗР-28-2017-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси аҳоли истеъмолчиларига етказиб бериладиган табий газ учун чакана нархлар 2017 йилнинг 15 июлидан бошлаб куйидагича белгиланади.

#### Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 29 июндаги 19-03-22-06-ЎЗР-28-2017-сонли реестри ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

2017 йил 15 июлдан жорий этилади.

#### УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

- Ушбу прејскурсант тарифлари Ўзбекистон Республикаси худудида аҳолига етказиб бериладиган табий газга тааллуқлидир.
- Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортик ёки кам қилиб белгиланган тақдирда, газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
- Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёхуд иссиқ сув таъминоти учун иситкич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
- Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прејскурсантда белгиланган тариф бўйича тўланади.
- Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзоси, шу жумладан, вақтинча яшяётганлар ҳам ҳисобга олинади.
- Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлақлар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнавад балкони ва бошқа қўшимча қурилма) тушунилади.
- Прејскурсантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табий газ сарфи меъёрига ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.
- Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 кубометр қилиб белгиланган.
- Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43 м³/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортикча ҳажм учун эса бир ярим баробар миқдорда тўланади.
- Автоном сув иситкич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ҳамда оранжерияларни иситиш, яқка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандири, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечяю кундуз ишлаган газ ёки ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсуми учун тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
- Ушбу прејскурсантнинг «Умумий кўрсатмалар»и, агар қўшимча прејскурсантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прејскурсантларга ҳам тегишлидир.
- Мазкур чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2016 йил 13 сентябрь, 19-03-22-06-ЎЗР-56-2016-сонли реестр) нархлар ўрнига 2017 йил 15 июлдан жорий этилади.

#### 1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР \*)

Т/р	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1	Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	2 634,00
1.2	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун иситиш учун	-/-	10 м³ 10 м³	4 555,10 2 112,45

#### 2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗГОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўловлар	
			Йиллик *):	Ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари	Бир яшовчидан 11,0 м³	60 127,20	5 010,60
2.2	Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари	-/- 15,0 м³	81 991,80	6 832,65
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар	-/- 16 м³	87 457,80	7 288,15
2.4	Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	Иситиладиган хонанинг 1 м³ учун		
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Хонанинг 1 м³ учун 6,0 м³	6 337,25	1 267,45
	Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	Хонанинг 1 м³ учун 5,76 м³	6 083,75	1 216,75
2.5	Дағал ва илдизмевали озукларни буглаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонларга озук таёйёрлаш	отга 5,6 м³ сигирга 23,7 м³ қўй (эчки)га 2,2 м³ чўчага 12,5 м³	30 610,20 129 547,20 12 025,20 68 326,80	2 550,85 10 795,60 1 002,10 5 693,90

\*) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.

## ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### «ЎТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 29 июндаги 19-03-22-06-ЎЗР-27-2017-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) етказиб бериладиган табий газ нархи 2017 йил 15 июлдан қўқ ҳисобга олинган ҳолда, 1000 кубометри учун 263 400 сўм қилиб белгиланди.

#### ЭСЛАТМА:

- Табий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
- Улгуржи истеъмолчиларга (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) табий газнинг улгуржи нархи, унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.
- Мазкур реестр амал қилина бошланиши билан улгуржи истеъмолчилар (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналари) учун амал қиляётган, 2016 йилнинг 13 сентябрдаги 19-03-22-06-ЎЗР-57-2016-сонли реестр ўз кучини йўқотади.

«Zamin Eko Agro» МЧЖ тақрорий экин сифатида қалладан бўшаган майдонларга экиш учун мўлжалланган, «Нови Сад» дала ва полиз экинлари илмий институти (Сербия)да ишлаб чиқарилган сифатли ҳамда ҳосилдор

## МАККАЖЎХОРИ, КУНГАБОҚАР

Урувларини таклиф қилади.

Маккажўхори — NS 205, вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 10 т/га.  
Кунгабоқар — ДУШКО, вег. даври — 80 — 85 кун, ҳосилдорлиги — 3,5-4 т/га.  
Кунгабоқар — ДУКАТ, вег. даври — 70 — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар Давлат реестрига киритилган, сертификатланган ва Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун таъсия этилган.

Маълумот учун телефонлар: (+99897) 130-51-21, (+99897) 755-02-55. Факс: (0-371) 150-15-89. www.zea.uz, e-mail: info@zea.uz

## Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745, 80 034 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИ ХУДОДИ МАЪЛУМОТЛАРИ ҚИЛИБ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОНИНГиз ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Техриратта келган қўбзмалар тақриз қилинади ва муаллифга қайтарилмайди. Реџлама материаллари учун тахриратт жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмилаштириган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратт компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегузратов томонидан сифатланади.

Газетанинг полиграфик ижтуддан сифатли зоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 23.20 2 3 4 5 6